**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Навоий вилояти спортни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи**
**____________ О.Рахманов**
**“____” май 2022 йил**

**Навоий вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси Комплаенс назорат ва ички аудит бўлимининг 2022 йил учун мўлжалланган йиллик ўрганиш чора-тадбирлари**
**ИШ РЕЖАСИ**

| Т/р | Назорат тадбирининг номи | Амалга ошириш механизми | Муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилоят ҳудудий бошқарма тизмидаги бюджетидан маблағ олувчи ташкилотларининг 2022 йил учун штатлар жадваллари ва харажатлар сметаларининг тўғри тасдиқланганлиги ва рўйхатдан ўтказилганлигини ўрганиш. | 1. Масофавий тарзда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида.<br>2. Шубҳали ва ноаниқ ҳолатлар кузатилган тақдирда жойига чиққан ҳолда. | Май-июнь ойлари |
| 2. | Навоий Олимпия ва паралимпия захиралари коллежи томонидан 2022 йилнинг I ярим йиллиги давомида ҳисобланган ва тўланган иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғрилигини ўрганиш. | 1. Дастлаб масофавий тарзда “ЎзАСБО” дастури орқали таҳлил қилиш.<br>2. Шубҳали ҳолатлар аниқланган муассасаларни жойига чиқиб ўрганиш. | Июль |
| 3. | Навоий вилоятдаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари тасарруфидаги сув ҳавзаларига (бассейн) қатновчилар сони ҳамда улар томонидан тўланаётган маблағларнинг тўлиқ кирим қилиниши ҳолатларини ўрганиш. | 1. Дастлаб масофавий тарзда “ЎзАСБО” дастури орқали тушумларни таҳлил қилиш.<br>2. Жойига чиққан ҳолда хронометраж асосида кунлик тушумларни назоратини амалга ошириш.<br>3. Қатновчилар сони ва тушумлар шаффофлигини таъминлаш юзасидан таклифлар киритиш. | Август |
| 4. | Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан 2022 йилнинг январь-август ойлари давомида мақсадли ажратилган маблағларнинг мақсадли ва манзиллилигини ўрганиш. | 1. “ЎзАСБО” дастури орқали ушбу маблағларни олган спорт мактабларининг ҳисоб-рақамларидаги пул маблағлари ҳаракати ва улар томонидан топширилган ҳисоботларни таҳлил қилиш. | Сентябрь |

| Т/р | Назорат тадбирининг номи | Амалга ошириш механизми | Муддати |
|---|---|---|---|
| | | 2. Ушбу маблағларнинг манзилли етиб борганлигини танлов йўли билан суриштириш орқали аниқлаш.<br>3. Маблағларни мақсадли ва манзилли сарфланиши юзасидан таклифлар тайёрлаш. | |
| 5. | Вилоят бош бошқармасига вазирлик марказий аппаратидан келиб тушган хат ва мурожаатлар ҳамда топшириқларнинг ўз вақтида ижро этилишини ўрганиш. Бунда, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа бир таъсир этувчи элементларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш. | 1. Ijro.gov.uz дастури орқали келиб тушган хат ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таҳлил қилиш.<br>2. Айни бир тусдаги мурожаатларни ҳал этишга сарфланган муддатлар ва уларнинг сабабларига аниқлик киритиш.<br>4. Ҳудудий бошқармада ижро интизомини мустаҳкамлашга доир таклифларни ишлаб чиқиш. | Октябрь |
| 6. | Навоий олимпия ва паралимпия захиралари коллежида озиқ-овқат харажатлари учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланганлигини ўрганиш. | 1. “ЎзАСБО” дастури орқали сотиб олинган озиқ-овқат харажатлари миқдорларини таҳлил қилиб чиқиш.<br>2. Коллежда озиқ-овқат маҳсулотларининг бир ўқувчига қанча миқдорда тўғри келаётганлигини таҳлил қилиш.<br>3. Аниқланган шубҳали ҳолатлар юзасидан жойига чиққан ҳолда текшириш ўтказиш. | Ноябрь |
| 7. | Ҳудудий бошқарма тизимидаги ташкилотларга бюджетдан ташқари тушумларнинг тушиши ва уларнинг мақсадли сарфланишини ўрганиш. | 1. “ЎзАСБО” дастури орқали бюджетдан ташқари тушуми мавжуд бўлган муассасаларни аниқлаш.<br>2. Бюджетдан ташқари тушуми мавжуд бўлган муассасаларга жойига чиққан ҳолда ўрганиш ўтказиш.<br>3. Тушумларнинг шаффофлигини таъминлаш ва уларнинг миқдорини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш. | Декабрь |
| 8. | 2022 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига киритилган ва бошқарма томонидан маблағ ажратилган спорт тадбирларининг ҳақиқатда ҳам ўтказилаётганлигини ўрганиш. | 1. Бошқарма томонидан пул маблағини ажратиш бўйича чиқарилаётган буйруқларни таҳлил қилиш.<br>2. Спорт тадбирини ҳақиқатда ўтказилиши шубҳали бўлган ҳолатлардан келиб чиқиб, танлов асосида жойига чиққан ҳолда текшириш.<br>3. Аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб киритиш. | Ҳар ойда камида бир марта |
| 9. | Вилоят бош бошқармаси тизимидаги ташкилот ва муассасаларда юзага келиши мумкин бўлган коррупция ҳолатларини таҳлил қилиб бориш. | 1. Бошқарманинг коррупцияга оид мурожаатларни қабул қилиш бўйича ишлаб чиққан телеграмм каналига тушиб келаётган мурожаатларни мунтазам таҳлил қилиш. | Ҳар чоракда камида бир марта |

| Т/р | Назорат тадбирининг номи | Амалга ошириш механизми | Муддати |
|---|---|---|---|
| | | 2. Тизимли мазмундаги мурожаатлардан келиб чикиб, коррупция ҳолатлари юзага келиш хавфи бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш.<br>3. Таҳлиллар натижаси бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш. | |
| 10. | Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ташкил этилган текшириш ва ўрганишларда иштирок этиш. | Ҳуқуни муҳофаза қилиш органлари томонидан юборилган сўров хатлари асосида. | Доимий |
| 11. | Вилоят бош бошқармаси тизимидаги ташкилотларнинг маъсул ходимлари иштирокида йул куйилган хато-камчиликлар ва уларни олдини олиш юзасидан семинар йиғилишлар ўтказиш. | 2. Аниқланган ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш юзасидан муҳокамалар ўтказиш.<br>3. Давлат молиявий назорати ходимлари иштирокида ўкув-семинарлар ўтказиш. | Ҳар чоракда камида бир марта |

*Изоҳ: Назорат тадбирларига ҳудудий бошқармаларнинг мутахассис ходимлари жалб этилиши мумкин.*

**Навоий вилоят спортни ривожлантириш**
**бош бошқармаси Комплаенс назорат**
**ва ички аудит буйича бош мутахассиси** **Ғ.Рахмонов**